Ипак ва дийбож киймanглар. Тилла ва кумуш идишларда ичманглар. Улардан ясалган товоқларда еманглар.Албатта, (мазкур нарсалар) бу дунёда улар учун, охиратда эса биз учун», деганларини эшитганман», деди

Абдураҳмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилинади: «Улар Ҳузайфа разияллоҳу анҳунинг ҳузурида эдилар. Шунда (хизматкоридан) сув талаб қилди ва бир мажусий сув олиб келди. Қўлларига идишни қўйганида унга ирғитдилар. «Мен уни биринчи ёки иккинчи марта қайтармаганимда (бу ишни қилмаган бўлардим). Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ипак ва дийбож киймanглар. Тилла ва кумуш идишларда ичманглар. Улардан ясалган товоқларда еманглар.Албатта, (мазкур нарсалар) бу дунёда улар учун, охиратда эса биз учун», деганларини эшитганман», деди.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакларни ипакнинг барча туридан қайтардилар. Эркакларни ҳам аёлларни ҳам олтин ёки кумуш идишларда ейиш ва ичишдан қайтардилар. Ва хабар бердиларки, у (қайтарилган нарсалар) қиёмат куни мўминлар учунгина хос бўлади. Чунки улар дунёда Аллоҳга итоат қилиб, улардан ўзларини тийган эдилар. Кофирларга эса, охиратда бу нарсалар йўқ. Чунки улар дунё ҳаётида шу нарсаларни ишлатиб, Аллоҳга осий бўлганлар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/2985